

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика
факультети
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
КАФЕДРАСИ

СТИЛИСТИКА ФАНИДАН

КУРС ИШИ

Мавзу: Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари
(Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги
қонун мисолида)

Бажарди: 202-гуруҳ талабаси Махсумова С.Қ
Текширди: Ф.Ф.Н., катта ўқитувчиси Хайитова Ф.Б

ТОШКЕНТ-2014

РЕЖА:

I. КИРИШ

II. АСОСИЙ ҚИСМ:

1. Услуб ва услубшунослик тушунчаларига тасниф
2. Расмий услубнинг кўринишлари
3. Расмий услубнинг лексик ўзига хосликлари
4. Расмий услубнинг грамматик хусусиятлари

III. ХУЛОСА

IV. Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Ўзбекистон жаҳонга юз тутаётган ривожланган мамлакатлардан бири. Тобора юксалиш, янгиланиш жараёнини бошдан кечираётган айти даврда фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳам катта тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Ҳар бир йўналишда қилинаётган янгиликлар, эришилаётган мувофақиятлар ва натижалар қилинаётган ишларнинг амалдаги исботидир. Айтиқса, гуманитар-ижтимоий фан соҳаларида мазмунан теран ва сифат жиҳатдан янги илмий тадқиқотлар олиб бориш учун кенг имкониятлар яратилган. Бу имкониятлардан унумли фойдаланаётган соҳа мутахассислари ўз танлаган мавзуларига янгича назар билан қараш, эстетик-мезонларни киритиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Мухтарам Президентимиз айтганидек, “Фанимиз, ақл-заковат салоҳиятимизни ноёб ва гўзал биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлаганини, унинг чуқур ва қудратли илдизлари борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида ўз миллатига, бутун инсониятга табиат сирларини ўрганишда, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тилшуносликка ишончли хизмат қилиб келмоқда”¹.

Курс ишимни ёзишда ушбу мавзунини танлашимга асосий сабаб ҳуқуқий соҳага қизиққаним. Аслида, эса билимларимни янада бойитиш ва мавжудларини мустаҳкамлашдан иборат эди. Ёзиш жараёнида турли янги маълумотлар билан танишдим. Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятларини ўргандим. Фонетик, лексик, морфологик, синтактик, грамматик ўзига хосликлар шулар туркумига киради. Курс ишимга фаолиятимизга доир қонун ва қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997. 259-бет

асос қилиб олдим. Керакли мисолларни, уларнинг ҳуқуқий нормалари орқали келтирдим. Курс ишимни ўқиш жараёнида сиз расмий услуб ҳақида, унинг йўналишида ёзиладиган ҳужжатлар хусусида, стилистик ўзига хосликлари ҳақида маълумотларга эга бўласиз. Танланган мавзу “Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари (Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун мисолида)”. Кўпгина манбаларда бу услуб “Қонун тили” деб юритилади. Сабаби барча ҳуқуқий нормалар айна шу услубда ёзилади. Таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларди ҳам ҳужжатлар услубшуносликнинг ушбу йўналишида тайёрланади.

Ишга кириш ёки қабул қилинишда ҳам расмий услуб амалда бўлади. Расмий услубга мисол тариқасида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг қуйидаги ҳуқуқий нормаларини келтириб ўтмоқчиман.

7-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ва материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.²

Кўриб турганингиздек ундаги баъзи атамалар маъносига бир ўқишда тушиниб бўлмайди. Шу боисдан бу услуб фақатгина расмий идораларда қўлланилади. Расмий услубнинг алоҳида хусусиятлари ҳақида иккинчи қисмда кенг маълумотлар олишингиз мумкин.

Маълумки, ҳар қандай услубнинг ўзига хос жиҳатлари, биринчи галда сўз бойлиги, ўз йўналишида қурилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Барча услублар маълум аудиторияга қаратилган бўлиб, у аввало, ахборот (коммуникация) берувчилик вазифасини бажаради. Бу ахборот

² Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун

маълум шахсга қаратилган, инсонлар бирлашмаларига мўлжалланган бўлади. Нутқ шаклидаги бу ахборот индивидуал жараён сифатида бадий, ИЛМИЙ. РАСМИЙ ВА ЁКИ ПУБЛИСТИСТИК тус олади. Ўз навбатида улар тимсолида намоён бўлган ахборот етказувчи “коммуникатив муҳит”ни, ахборотни қабул қилувчи эса “коммуникация доираси”ни ташкил этади. Бу доира савиясининг ўзига хослиги ахборотнинг қай усулда бўлсада тарқатилишига боғлиқ.

Хуллас, ҳозирги ўзбек услубшунослиги нафақат ўзининг мазмундаги изчиллиги, балки шакли, хусусан, услубларнинг биринчи унсури ҳисобланган тил хусусиятлари билан ҳам фарқланади.

Услуб арабча сўз бўлиб, тартиб, система демакдир. Ўзбек тилида бу сўз маъносининг қамрови аслига нисбатан бир қадар кенгрок бўлиб, “бирор фаолиятни бажаришдаги, бошқаришдаги ўзига хос йўл” ёки “бирор нарса ёки ҳодиса учун хос бўлган хусусиятлар” каби маънолари ҳам мавжуд. Тилшуносликда “услуб” атамаси замирида тилнинг алоҳида маъно англатиш ва ифодалаш мақсадларига хизмат қилувчи фонетик, фразеологик, лексик, морфологик ва синтактик воситалари тушунилади. Тилшуносликнинг тилдан фойдаланиш усулларини ўрганувчи тармоғи стилистика, яъни услубият деб юритилади. Демак, услубият тилшунослик фанининг алоҳида сатҳи бўлиб, нутқ жараёнида тил ҳодисаларидан мақсадга, шароитга ва муҳитга мос равишда фойдаланиш қонуниятлари билан таништиради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шунини айтиш мумкин: “услубият” атамаси тилшуносликда икки маънода қўлланилади. У, аввало, тил воситаларидан нутқда ўринли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни англатади. Айни замонда тил воситаларини нутқда танлаб ишлатиш қонун-қоидаларини ўрганадиган фаннинг номини ҳам билдиради.

Услубият муомала маданияти, нутқ одоби – нутқ маданияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Нутқ маданияти инсоният умуммаданиятининг бир қисми бўлган ижтимоий ҳодисадир. Нутқ жараёнида юксак ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, таъсирчан, чиройли ва ўринли сўзлаш, тинглаш маданияти, суҳбат маданияти, баҳс-мунозара маданияти, тилдан нутқда эътибор ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш шоирона сўзлар билан айтганда “ҳар бир сўзни ёр танлагандек” сайлаб ишлатиш нутқ маданиятининг асосини ташкил этади. Услубият билан нутқ маданияти айнан бир нарса эмас, улар бир-бирини тақозо этувчи, бир-бирини тўлдириб, юксалтириб борадиган алоҳида – алоҳида ҳодисалардир.

Услубиятни ўрганиш тарихи Шарқда, жумладан, ўрта Осиёда ҳам анча қадимийдир. Услубият гарчи ҳозиргидай алоҳида соҳа сифатида шаклланмаган бўлса ҳам, бироқ тилшунослик (сарф, наҳв, луғат), адабиётшунослик (илми бадеъ, шарҳ тафсир), шунингдек, илми иншо, илми мунозара, воизлик санъати каби фанлар таркибида ўрганиб келинган. Абу Мансур Саолибийнинг «Мунтахаб ул-ижоз вад аъжоз» (XI аср), Абулқосим ал-Лайс Самарқандийнинг «Рисолат ул -истиорат» (XV аср), Хондамирнинг «Номаи номий» (XV аср), Маҳмуд Гилонийнинг «Манозират ул – иншо» (XV аср), Содик Жондорийнинг «Китоб ул – иншо» (XVIII аср) каби асарлари стилистик тадқиқотларга бағишлагандир. Рус тилшунослигида услубият XIX аср тилшунослари А.А.Потебня, Ш.Балли, К.Фосслер, кейинчалик В.В.Виноградов ишларида ўрганилди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида тил услубияти билан боғлиқ номзодлик ва докторлик ишлари, ўнлаб илмий асарлар юзага келди ва услубият фанининг алоҳида соҳа сифатида ривожланишига тurtки бўлди. Бу борада ўзбек тилшунос олимлари Аюб Ғуломов, Ш.Шоабдурахмонов, И.Қўчқортоев, А.Шомаксудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамов, Й.Тожиев, Э.Қиличевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўзбек тилшунослигининг нисбатан янги соҳаси саналадиган стилистика - услубшунослик тил бирликларининг алоқа воситаси сифатида муомала жараёнида турли соҳа ва вазиятда қўлланиши, нутқни ташкил қилиш қонуниятлари, тил тизимидаги барча воситаларнинг нутқ жараёнидаги имкониятлари ва маъно нозикликларини аниқлаш билан шуғулланади.

Стилистика – тилда мавжуд бўлган барча воситалар – лексик, грамматик, фонетик воситалардан нутқда қандай фойдаланиш зарурлигини, маълум бир типдаги форма, сўз ва конструкциялардан қайси

бирини қўллаш мувофиқ эканини, яхши ва энг мувофиқ воситасини тавсия этади, норма қилиб белгилайди, нутқнинг турли стилистик қатламларида қўлланадиган воситаларни белгилаб беради. Шунга кўра, стилистика сўз санъати, ифода воситалар ҳақидаги алоҳида бир фандир.

Тилдаги ана шундай муаммолар билан шуғулланадиган услубшуносликнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

1. Тилнинг лексик ресурсларини ўрганувчи йўналиш.
2. Функционал стилистика – вазифавий услубшунослик.
3. Бадиий адабиёт услублари.
4. Амалий услубшунослик.

Мавзу нуқтаи назаридан бу ўринда бизни вазифавий услубшунослик кизиқтиради. Кишилар ўз ижтимоий фаолиятларида тилдаги барча воситалардан – фонетик, лексик, фразеологик, грамматик бирликлардан фойдаланганларида, аввало уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, нутқ мавзусига, вазиятга қараб танлайдилар ва қўллайдилар. Тилимиздаги воситаларнинг бир нечалаб кўринишларга эга бўлиши, синонимик ранг-баранглик шундай йўл тутишга имкон беради. Мана шу танлаш нутқ жараёнида тил бирликларининг ўзига хос услубий чегараланишини тақозо қилади. Тил бирликларини ижтимоий муҳитда танлаб ишлатиш зарурати ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш услубшуносликда янги соҳани – вазифавий услубшуносликни вужудга келтирди.

Ўзбек тили услубларини вазифавий жиҳатдан тасниф қилиш икки омилга – тил ва тилдан ташқарида бўлган омилларга таянади. Бу услубларнинг Н.А.Баскаков, А.Сулаймонов, А.Шомақсудов, Абдурахмонов, Б.Ўринбоев, С.Муҳаммедовлар томонидан тавсия этилган вариантлари мавжуд бўлиб, уларда асосан бешта услуб – сўзлашув, оммабоп, илмий, расмий ва бадиий услублар эътироф этилади.

Улар ҳақида билимга эга бўлиш она тилимизнинг нутқ жараёнидаги имкониятларини ўрганишга кўмаклашади.

Расмий услуб ҳозирги ўзбек тилининг давлат-маъмурий, ҳуқуқий муассасаларида, расмий дипломатик муносабатларида намоён бўладиган кўринишидир. Қонун матнлари, фармонлар, фармойишлар, буйруқлар, хуллас барча расмий иш қоғозлари ана шу услубда шаклланади. Бу услубнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари, бинобарин, ушбу кўринишларнинг ўз меъёрлари мавжуд.

Аниқлик. Ушбу услубда шаклланган матнда ноаниқликка, изоҳталаб ўринларга йўл қўйилмаслиги лозим. Фикр ва мазмун содда, аниқ ва тушунарли тилда баён қилиниши керак:

Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади) шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширади.

(Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги қонун 4-модда)

Қолип. Фикр – мулоҳаза, баён асосан бир қолипда ифодаланади.
Солиштирамиз:

Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини муқофотлаш тўғрисида.

Бетакрор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт тараққиёти, халқимиз маънавиятининг юксалишига баҳи этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, уларни Ватан олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 август Фармони).

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан қарор қиламан.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 август Фармони).

Шу тарзда ариза, қарор, билдиришнома, маълумотнома, шартнома, табрикнома сингари турли характердаги расмий ҳужжатларнинг ҳар бирининг ўзига хос баён этиш қолипи бўлади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бирининг алоҳида сўз ва турғун бирикмалари ҳам мавжуд бўлади.

Масалан, ҳуқуқий ҳужжатлар матнига кўз югуртирсак, уларда бошқа вазифавий услубларда деярли учрамайдиган атамаларга дуч келамиз: *маъмурий жавобгарлик, фуқаролик ҳолати, фуқаролик жавобгарлиги, айбдор, гумондор, жабрланувчи, судланувчи, гувоҳ, жамоат кафиллиги, суриштирув, жабрланувчи билан ярашув ва бошқалар.*

Иш қоғозлари ва ҳужжатларнинг хилма-хиллигига қараб уларга оид атамаларнинг меъёрлашуви ва чегаралануви ҳам кузатилади. Қиёс учун дипломатик муносабатлар доирасидаги сўз ва иборалар: *аҳдлашувчи олий*

томонлар, элчи, элчихона, мухтор элчи, мухтор вакил, ишончли вакил, нота, ратификасия, шартнома, баёнот, қўшма баёнот, декларация, ташириф, қароргоҳ кабилар.

Ушбу услуб учун жаргонлар, оддий сўзлашувга хос сўзлар, эмоционал-экспрессив бўёкка эга бўлган сўзларнинг ишлатилиши меъёр саналмайди ва шу жиҳати билан бошқа услублардан кескин фарқ қилади. Расмий услубнинг грамматик меъёри ҳам алоҳида хусусиятларга эга. Масалан, от сўз туркумига оид сўзлар кўп ишлатилади. Ноаниқликларга йўл қўйилмаслик мақсадида улар олмошлар билан алмаштирилмайди: *Ўзбекистон Республикаси Ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, Ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, Ўз давлат тилини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир.*

(1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ги қонуннинг 16 - моддасидан).

Бу услубда феълнинг ҳаракат номи шакли фаол қўлланилади, гапнинг кесими кўпинча ҳозирги замоннинг мажхул нисбатида ифодаланади, ҳужжатнинг характериға қараб шарт майли шаклиға тез-тез муружаат этилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари» ҳақидаги 78 – моддасида: *ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, қабул қилиш, белгилаш, тасдиқлаш, тартибга солиш, ўзгартириш, жорий қилиш, комиссиясини тузиш, сайлов кунини тайинлаш, сайлаш, озод этиш, ратификасия қилиш, таъсис этиш, амалга ошириш* сингари феълли бирикмалар ишлатилган. Ушбу ҳужжатда *амалга оширилади, асос бўлади, ташиқил этади, белгиланади, асосланади, ҳисобланади, ҳимоя қилинади, амалга оширади, тан олинади, иш кўради, адо этади, кафолатланади, тақиқланади, тавсия этилади*

сингари феълларнинг фаол ишлатилиши ҳам юқоридаги фикрнинг тасдиғидир.

Яна :

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасидаги концептуал қоидалар ва хулосалар маъқуллансин ҳамда улар Олий Мажлиснинг келгуси фаолиятида инобатга олинсин. Маърузанинг ... дастурий хулосалари прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар фаолияти учун асос қилиб олинсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ... мустақиллик ва демократия қўлга киритган ютуқларни ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ҳамда тотувлигини таъминлаш ишларини кучайтириш тавсия этилсин. (Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 август қароридан).

Шу ўринда расмий услубда ёзилган матнлар учун барча морфологик воситалар ва категорияларнинг қўлланилиши бир хил даражада эмаслигини таъкидлаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Масалан, сон ва олмошлар бу услубда бошқа сўз туркумларига қараганда иккинчи даражали омил ҳисобланади.

Расмий услубнинг синтактик аломатлари ҳам матнда дарҳол кўзга ташланади. Унда дарак гаплар, унинг айниқса қўшма гап шакли кўп ишлатилади. Ёйиқ ва мураккаб сўз бирикмалари маҳсулдор ҳисобланади, мураккаб типдаги номлар кенг қўлланилади. Гап тузилишида ўзбек тили одатдаги меъёрга амал қилинади ва юқорида саналган жиҳатлари билан илмий услубга ўхшаб кетади.

Объективлик. Адабиётларда бу услуб доирасида тил материали фикрнинг ҳаққонийлиги, объективлигига хизмат қилиши лозимлиги уқтирилади. Маълум бўладики, ҳаққонийлик, объективлик ниҳоятда

мураккаб жараён бўлиб, унинг реаллашувида фақатгина тил бирликларига таяниб иш кўриш қийин. Уни вазият, суҳбатдошларнинг бир-бирларини билиши ва тушуниши каби экстралингвистик омиллар ҳам белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 541-I-сонли **Қонунига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 10-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг **янги таҳрири** тасдиқлансин (илова қилинади).

(Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддаси)

Мантиқий изчиллик. Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этади. Матнда сўзлар, гаплар, абзаслар ўзаро мантиқий боғланган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам илмий матнлар бу изчилликни юзага келтирувчи *маълумки, маълум бўладикки, таъкидлаш лозимки, таъкидлаш ўринлики, дарҳақиқат, бинобарин, шундай экан, биринчидан, иккинчидан, кўринадикки, таъкидлаш жоизки, хулоса қилиб айтганда, хулоса қилганимизда, биргина мисол, фақат бугина эмас* сингари кўплаб боғловчи вазифасини бажарадиган сўз ва бирикмалар қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, ўз фаолиятини ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиши, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиши ҳуқуқига эгадир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиши ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган

ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

(Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги Қонуннинг 5-моддаси)

Қисқалик. Бу хусусият айнан расмий услубга хос хусусиятдир. Шунинг учун унда тилнинг тасвирий имкониятларидан деярли фойдаланилмайди. Гаплар дарак мазмунида бўлиб, асосан содда ёйик ҳолда бўлади. Агар фикр кўшма гаплар ёрдамида ифодаланса, боғловчиларнинг фаол ишлатилиши кузатилади:

Муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномада қуйидагилар белгиланади:

**муассис ва таҳририятнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари;*

**оммавий ахборот воситасини тайёрлаш ва чиқариш шартлари;*

**таҳририят фаолиятини молиялаштириш тартиби;*

**таҳририят ходимларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший меҳнат шартларини ташкил этиш тартиби;*

**учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар тартиби;*

**тарафларнинг жавобгарлиги;*

**қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.*

Агар муассис ва таҳририят сифатида бир шахс иш юритса, шартнома тузиш талаб этилмайди.

(Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги Қонуннинг 12-моддаси)

Расмий услуб **фонетик** жиҳатдан ҳеч қандай хусусиятга эга эмас.

Лексикасида эса фарқ қилувчи жиҳат соҳавий атамаларнинг, расмий ибораларнинг кўплиги ҳисобланади. Бу услубда ҳам, худди илмий услубда бўлгани каби, сўзларни кўчма маъноларда қўллаш, тасвирий воситалардан унумли фойдаланиш хос хусусият саналмайди. Субъектив эмоционаллик, образлилик, оғзаки нутқ элементлари,

умуман ғайри адабий унсурлар умуман ишлатилмайди. Мумкин қадар баён бир хил меъёрда ифода этилади. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда фикр юритилаётган манба, мавзу билан уйғун равишда баъзан бу услубда ҳам образли ифодалардан фойдаланиш истисно эмас.

Муаллиф индивидуаллигининг кам сезиларли бўлиши ҳам расмий услубнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Морфологик хусусиятлари

Феълнинг мажхул даража шакли ҳам бу услуб учун хос. Аммо ҳозирги-келаси замон шаклидан ташқари характерли замон кўрсаткичи йўқ. Кишилиқ олмошлари кам қўлланилади. Бу гап фақат камтарлик маъносини ифодалайдиган биз олмошига тегишли эмас.

М.Мукаррамов ўзининг монографиясида «Адабий тилнинг конкрет кўринишлари бўлган сўзлашув, бадий, публицистик, расмий-ҳужжат ва илмий нутқларнинг реал мавжудлигини тан олсак, у вақтда ҳар бир нутқ турининг ўз модал маъно ифодаловчи сўзларини ҳам тан олишимизга тўғри келади» деган мулоҳазани айтиб, *демак, хуллас, дарҳақиқат, ҳақиқатан, шубҳасиз, албатта, дарвоқе, масалан, жумладан, айниқса, хусусан, аксинча, афсуски* сингари модал сўзлар ва модал маъно англатувчи бошқа бирликларни таҳлил қилган.

Шу тарзда илмий услубнинг *ва, ҳамда* каби ўз боғловчилари, *билан, учун, каби, сингари, ҳақида, тўғрисида, туфайли, сабабли, доир, оид, биноан, ташқари, асосан, мувофиқ, қадар* сингари кўмакчилари борлигини ҳам қайд қилиш тўғри бўлади.

Расмий услубда баён этилаётган матннинг **синтактик қурилиши** фикрий тугалликка, мантиқий изчилликка хизмат қилади ҳамда матннинг табиатидан келиб чиқиб, бир таркибли гапларнинг шахссиз, шахси умумлашган турлари фаол. Ундов, атов гаплар қўлланилмайди, нутқ монологик характерда бўлади. Илмий услубдагига ўхшаб гап тузилишининг одатдаги тартиби қўлланилади. Қўшма гап фаол

ишлатилади. Дарак гап асосий мавқени эгаллайди, сўроқ ва буйруқ гаплар деярли қўлланилмайди.

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказиш деб юритилади). Оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза рўйхатдан ўтказувчи органга белгиланган тартибда муассис томонидан берилади.

Муассиснинг оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаси рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиши керак.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳамда қайта рўйхатдан ўтказганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда рўйхатдан ўтказиш йиғими олинади.

(Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддаси)

Энди расмий услубнинг **грамматик хусусиятлари** ҳақида. Бу услубнинг ариза, тушунтириш хати, тилхат, таклифнома каби кўринишлари жумлаларнинг қисқалиги ва фикрларнинг аниқлиги билан ажралиб туриши хусусида юқорида тўхталдик. Шунингдек, ҳужжатлардаги штамплар матнга расмийлик белгисини киритади.

Ҳужжатларда от туркумига оид сўзлар кўп қўлланилади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишига доир маълумотлар

Ҳар бир даврий нашрнинг чиқарилишида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

даврий нашрнинг номи;

давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами;

*муассиснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
бош муҳаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
ҳар бир даврий нашр чиқарилиши учун масъул бўлган таҳририят
ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми;*

*тартиб рақами ва чиқарилган санаси, даврий босма нашрлар учун
эса босишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақт (жадвалда белгилангани
ва амалдагиси);*

*даврий босма нашрлар учун — индекси, адади, баҳоси ёки
«Келишилган нархда», «Бепул» деган ёзувлар;*

таҳририят ва босмаҳонанинг жойлашган ери (почта манзили).

*Теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларга ва оммавий
ахборотни даврий тарқатишининг бошқа электрон шаклларига доир
маълумотлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.³*

Ушбу ҳуқуқий нормада ахборот, маълумотлар, давлат, нашр,
адади, почта, радио, видео, кинохроникал, ҳужжат каби от сўз
туркумига оид атамалар қўлланилган.

Ҳатто феъл ишлатилганда, унинг отга яқин шакли — ҳаракат
номидан фойдаланилади.

Масалан: қабул қилишингизни сўрайман, қарорнинг бажарилиши,
стипендия тайинлаш, талабалар сафига тиклаш кабилар.

Намуна:

Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети халқаро
журналистика факультети декани
Акбар Нурматовга фуқаро
Бобораҳим Бекзодовдан

АРИЗА

³ Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун 18-модда

Мени Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетига аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация фанлари кафедрасига мутахассислигим бўйича ишга қабул қилишингизни сўрайман.

21.04.2014

Б.Бекзодов

Феъллар мажхул нисбатда ва буйруқ-истак майли шаклида қўлланади: *қарор қилинди, кўриб чиқилди, эшитилди, бажарилсин, тайинлансин, амалга оширилсин* кабилар.

Масалан:

Олий Кенгашининг қарори

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш

тартиби тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 2-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 1995 йилнинг 1 апрелидан амалга *киритилсин*.
2. 1959 йил 12 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ 1995 йилнинг 1 апрелига қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан (асосий ва қўшма жазодан) *озод қилинсин*.
3. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишларга

доир суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларининг юрителидаги ишлар *туғатилсин*.

4. 1959 йил 12 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ ҳукм қилинган жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазо чоралари, башарти, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилганига нисбатан оғирроқ бўлса, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазо чорасига қадар *камайтирилади...*

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини ҳамда Жиноят-процессуал кодексини нашр этилиши таъминлансин.

(Тошкент шаҳри 1994 йил 22 сентябрь 2014-ХП-сон)

Бу ерда *таъминлансин, ишлар туғатилсин, озод қилинсин, амалга киритилсин, қарор қилади, камайтирилади* каби мажхул ва буйруқ-истак майлидаги феъллардан фойдаланилган.

Юридик қонун ва ҳужжатларда жумладан жуда узун, баъзан бир фикр ярим бетлик гап орқали ифодаланади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки туғатиш

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки туғатиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг аризаси асосида суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Муассис оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини таҳририят уставида (низомида) ёки муассис ва таҳририят ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда тўхтатиб туриш ёки туғатишига ҳақлидир.

Муассис оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ўз қарори ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни уч кун ичида ёзма шаклда хабардор этиши шарт. Мазкур хабарнома ушбу оммавий ахборот воситаси чиқарилишининг тўхтатиб турилиши ёки тугатилишидан олдинги сўнги чиқарилишларидан бирига жойлаштирилиши керак.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини суд қарорига кўра тўхтатиб туриш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таҳририятга нисбатан чиқарилган огоҳлантиришга сабаб бўлган қонун ҳужжатлари бузилиши такрорий ёзма огоҳлантиришдан кейин бир ой ичида бартараф этилмаган тақдирда амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини қайта бошлаш рўйхатдан ўтказувчи орган аниқлаган қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар муассис ва (ёки) таҳририят томонидан судга тақдим этилганидан кейин суд қарорига асосан амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқариш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари таҳририят томонидан мунтазам равишда бузиб келинганлиги, бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан муассис ва (ёки) таҳририят номига илгари ёзма огоҳлантиришлар юборилганлиги;

суднинг оммавий ахборот воситасини чиқаришни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори бажарилмаганлиги;

оммавий ахборот воситасининг олти ойдан зиёд вақт мобайнида чиқарилмаганлиги;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилишига сабаб бўлади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш тўғрисида муассис томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, таҳририят муассиснинг рухсати билан худди шундай номдаги оммавий ахборот воситасини белгиланган тартибда таъсис этишига ҳақлидир. Бундай ҳолда оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш талаб қилинади.⁴

Қонунлар ўз тузилишига кўра боб ва бўлимларга бўлинади. Демак, ҳар бир бўлимдаги матн бир-бири билан боғланиши, бири иккинчисини тақозо қилиши лозим. Шундай экан, бунда боғланган кўшма гаплар, боғловчисиз кўшма гаплар ва эргаш гапли кўшма гапларнинг айрим турлари шу вазифани бажаришга хизмат қилади. Чунки бундай кўшма гапларда кетма-кет рўй берадиган, бир вақтда юз бериши мумкин бўлган, сабаб-оқибатли, зиддиятли воқеа-ҳодисалар ифодаланади.

Оммавий ахборот воситалари маҳсулотидир

Даврий босма нашр алоҳида сонининг адади ёки ададининг бир қисми ёхуд теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларнинг ва оммавий ахборотни даврий тарқатишининг бошқа электрон тарздаги алоҳида чиқарилиши оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотидир.

Моддада асосан боғловчисиз кўшма гапдан, шу билан бирга тенг боғловчилардан кенг фойдаланилган. Эргаштирувчи боғловчилар фаолликни ўз кўлига олган.

Шуни ҳам айтиш керакки, юридик қонунларда тенг боғловчининг айирув ва зидлов боғловчиларидан деярли фойдаланилмайди. Фойдаланилса ҳам ниҳоятда тор доирада ишлатилади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуннинг 24-моддаси

Хужжатларда шартли қисқартмалар, турғун бирикмалар кўп қўлланилади.

Тошкент ш., 2007 йил 15 январь, **ЎРҚ-78**-сон. Қонуннинг кириш қисмида келтирилган бу қисқартма, аслида *Ўзбекистон Республикаси Қонуни* тарзида баён этилади. Қонунинг ҳуқуқий нормаларида бошқа қисқартмалар келтирилмайди. Кўп қўлланилган *Оммавий ахборот воситалари* ҳам қисқартирилган тарзда **ОАВ** деб талқин этилса бўлар эди.

Баъзи бир юридик хужжатларда шахслар ўз номи билан аталмасдан уларнинг муҳим белгилари ифодаланган бирикмалар ишлатилиши мумкин. Объект қилиб олинган қонун хужжатида ҳам буни кузатиш мумкин.

Бош муҳаррир муассис томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Бош муҳаррир таҳририятга раҳбарлик қилади, оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг фаолияти учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

*Қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ бош муҳаррир оммавий ахборот воситасининг муассиси, тарқатувчиси, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда, шунингдек судда таҳририят номидан иш юритади.*⁵

Бу каби ҳолатлар асосан фуқаролик ҳолати, ҳуқуқи ва мажбуриятларини акс эттирувчи ҳуқуқий актларда кенг ишлатилади. Жумладан Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Солиқ кодекси ва бошқа шу каби норматив хужжатларда.

Шу ўринда расмий услубнинг ушбу қонунда қўлланилган **лексик хусусиятларига** тўхталиб ўтамиз.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунининг 16-моддаси

Асли расмий услубда бўёқдор сўзлар ишлатилмайди. Лекин дипломатик ёзишмаларда бундай сўзлардан фойдаланишни жараённинг ўзи тақозо этади. У асосан дипломатик алоқаларда қўлланилгани боис биз ўрганаётган қонун доирасида бундай жумлаларни учратмайсиз. Шунинг учун бунга мисолни ташқи манбалардан олдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов *Жаноби Олийларига*

Муҳтарам Президент жаноблари!

Баҳор байрами - **Наврўзи** олам кириб келаётгани муносабати билан Сиз, *Жаноби Олийларини* ҳамда барча ватадошларимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ҳамда тинчлик, фаровонлик ва тараққиётни таъминлашга Қаратилган саъй-ҳаракатлар биз, Саудия Арабистони *Подшоҳлиги*да яшаётган ўзбекларни ғоят қувонтиради.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти - ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши, шубҳа йўқки, юртимизнинг, буюк аجدодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган буюк ҳиссасининг ёрқин эътирофидир. Бу олий мақом бизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Сиз, *Жаноби Олийларининг* диний қадриятларни, ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг бой меросини тиклаш ва асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ҳар қанча *таҳсинга* лойиқдир.

Сунъий йўлдош алоқаси орқали «Ўзбекистон» телерадиоканали дастурларини кузата бориб, Сизнинг хайрли ташаббусингиз билан Самарқанднинг 2750 йиллик ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик тўйларига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига

гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз бутун ислом оламида машҳурдир. *Жаноби Олийлари*, Истиқлол йилларида Ўзбекистон эришаётган ютуқлар билан телевидение орқали танишиш имконияти яратилгани учун Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Ушбу қувончли кунларда Парвардигордан Сизнинг доно раҳбарлигингизда тараққий топиб бораётган Она Ўзбекистонимизга узок йиллар тинчлик ва фаровонлик ато этишини, уни жамики балоқазолардан асрашини сўраймиз.

Камоли эҳтиром билан,

Саудия Арабистони *Подшоҳлиги*да истиқомат қилаётган ўзбеклар номидан:

Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний,

Тўраҳон Жалолхон Тўра Марғилоний,

Мелибек Тошкандий,

Мўминжон Исмоилжон Андижоний,

Олимжон Исмоилжон Андижоний,

Аҳмадалн Турон Туркистоний,

Абдуллажон Исмоилжон Туркистоний,

Абдурахмон Хўжа Туркистоний

Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Жидда шаҳри

(«Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 16 март)⁶

Жумлалар расмий услубда мана шундай тарзда фойдаланилади. Улар манбаларда мақтов иборалар деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунида жаргонлар, шевага оид сўзлар, эскирган сўз ва

⁶ Президентга мактублар-Тошкент. “Маънавият” 2009

бирикмалар одатда ишлатилмайди. Ўрни билан қўлланиладиган архаизм ва историзмлардан фойдаланилмаган. Юқорида келтирилган мисолда буни кўришимиз мумкин.

Қонундаги ҳар бир сўз ва жумла фикр-мулоҳазанинг аниқ, тўғри ифодаланишига хизмат қилган. Унда оммавий ахборот воситалари соҳаларида қўлланиладиган терминлар мавжуд. Хусусан: *Ахборот, муассис, бош муҳаррир, телевидение, радио, интернет, матбуот, таъсис ҳайъати, таҳририят, монополаштириш* кабилар.

ХУЛОСА

Истиклол йилларида мамлакатимизда миллий қонунчилигимизни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Ҳар бир соҳа, ҳар йўналишда бу борадаги ишлар кенг илоҳотчилик даражасида, кўзланган ва белгиланган мақсадга мувофиқ изчиллик билан ташкил этилаётгани фикримиз далили бўла олади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги Қонуннинг 1997 йил 26 декабрь куни қабул қилиниши журналистикада ҳам қонунчиликнинг мукаммалаштирилаётганидан далолат беради. Бу қонунга 1998 ва 2002 йилларда киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар унинг профессионалигини бир поғона юқорига кўтарди.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг 2007 йилда замон талабларига жавоб берадиган нусхаси қабул қилинганлиги давр талабларига тўла жавоб берадиган қонун лойиҳасининг амалда эканлигини тасдиқлайди.

Қонунни расмий услуб хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганар эканман, унинг асл маъно-моҳиятини янада теранроқ ва чуқурроқ англадим.

Унда келтирилган ҳуқуқий нормалар негизида келажакдаги фаолиятимда нималарга эътиборли бўлишим лозимлигини билиб олдим.

Мен тайёрлаган курс ишимда қонун нормаларидан фойдаланган ҳолда расмий услуб жиҳатларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим. Барча келтирилган мисолларни Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун нормаларидан фойдаланган ҳолда жамладим.

Мавзунини кенгроқ ёритиш мақсадида мамлакатимизда чоп этилаётган даврий нашрларга ҳам мурожаат қилдим. Бунда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси муассислигида чиқариладиган, кунлик газета “Халқ сўзи” саҳифаларида нашр этилган мақолалардан фойдаландим.

Хулоса ўрнида яна шуни таъкидлашни жоиз деб биламанки, расмий услуб хусусиятларининг асл кўриниши ва маъно-мазмунини мукамал тушунишда мисоллар билан ишлаш ниҳоятда яхши самара беради.

Бу услубнинг ҳам ўзига хосликлари, лексик, морфологик, синтактик жиҳатдан анча бой эканлиги билан курс ишимни ёзиш жараёнида танишдим.

Шунингдек, унда жуда кўп қўлланиладиган юридик атамалар доирасининг кенглиги хали бу соҳада ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлар кўп эканлигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, расмий услубнинг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги Қонуни мисолида ўрганганим ҳар томонлама билим ва малакамни оширишимда катта тажриба маткаби бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
2. Каримов И.А. Истиқлол ва мафкура. — Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
3. Президентга мактублар. — Т.: “Маънавият”, 2009
4. Абдурахмонов Х., Маҳмадов Н. Сўз эстетикаси. — Т.: “Ўқитувчи”, 1981.
5. Бегматов Э., Тожиев Й. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. — Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
6. Кожина М.Н. Стилистика русского языка. — М.: 1997.
7. Шомақсудов А., Расулов И. Ўзбек тили стилистикаси. — Т.: “Ўқитувчи” 1983.
8. Умуров Х. Илмий асар ва унинг жанрлар алифбоси. — Самарқанд. 1997.
9. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари (тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари). — Т.: “Университет”, 2007.
10. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. — Т.: “Университет”, 2006.